

## АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИНИ ХУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИШ

Эргашев Сирожиддин Абдуғоффорович

*Андижон давлат университети  
география кафедраси ўқитувчиси*

Одилов Носиржон Қодиржон ўғли

*Андижон давлат университети  
география кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** *Ушбу мақолада Андижон вилоятида энгил саноат ва тўқимачилик кластерларини ҳудудий ташкил этиши ва ривожлантириши масалалари, унинг иқтисодий географик хусусиятлари ёритилган.*

**Калит сўзлар:** *саноати, саноат тармоқлари, энгил саноат, пахтачилик кластери, пахта этиштириши ер майдонлари.*

Андижон вилояти ўзига хос табиий ва иқтисодий-ижтимоий шароитга эга. Аҳолининг жойлашуви ва табиий иқлимий омиллар обикор деҳқончилик учун қулай эканлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ саноат тармоқларини ривожланишига таъсир кўрсатган. Вилоят республика ҳудудининг атиги 1 фоизини эгаллагани ҳолда ЯИМ бўйича улуши эса 6,5 фоизни ташкил этади,[4].

Маълумотларга кўра, ЯХМ ишлаб чиқариш 2019 йилга нисбатан 2,8 фоизга ортган. Вилоят иқтисодиётининг юксалишида саноат тармоқларининг роли катта. Саноатнинг улуши 1,1 фоизни ташкил этган [1]. Юқоридаги маълумотдан кўришиб турибдики Андижон вилоятида саноатнинг ривожланишига ҳукуматнинг тадбиркорларга бераётган имкониятлари муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сонли “Инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилувчи ҳаридор томонидан давлат мулкани ноль қийматда сотиб олиш бўйича тартиби тўғрисида”ги Низомга [1] кўра, вилоятда бўш турган биноларни тадбиркорларга ноль қийматда бериш

саноат тараққиётида муҳим рўль ўйнади. Бой хом ашёга эга бўлган Андижон вилоятида энгил саноат корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 397-сон қарори асосида пахта хом ашёсини тўлиқ қайта ишлаш ишлари амалга оширилмоқда [2].

Вилоятнинг турли ҳудудларида саноат ишлаб чиқариш тараққиёти бир-биридан фарқ қилади. Масалан, вилоят саноат маҳсулотларининг умумий ҳажмида Асака туманининг улуши 58,2 фоиз, Андижон шаҳри 16,1 фоизни ташкил этса, Улуғнор, Бўстон, Булоқбоши туманларига эса мос равишда 0,7 фоиз, 0,9 фоиз, 0,9 фоизга тўғри келади [4].

Бундан кўринадики вилоят саноатида:

- саноатнинг концентрациялашуви юқори эканлиги;
- ҳудуд имкониятларидан унумли фойдаланишда муаммолар мавжудлиги;
- ҳудудларда инфратузилмани талаб даражасида (катта кучланишли электр линияларининг мавжуд эмаслиги) эмаслиги;
- аҳолини жойлашувида тафовутлар мавжудлиги;
- мустақилликга қадар қатор туманларда фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ривожланганлиги вилоят саноатининг ҳудудлар ривожланишидаги камчиликлар, деб қараш мумкин.

Бундай ҳолат вилоят саноатининг ҳудудий таркибини такомиллаштириш ва айрим туманларда саноат тармоқларини ривожлантириш зарурлигини кўрсатади. Ваҳоланки, туманларда энгил саноат тармоқлари, яъни иппиғирув, тўқимачилик корхоналарини жойлаштиришда бир қатор қулайликлар мавжуд. Меҳнат ресурслар, айниқса, меҳнатга лайоқатли ёшидаги аёлларнинг кўплиги, хом ашёнинг мавжудлиги катта инвестиция талаб қилмасдан энгил саноат корхонасининг у ёки бу бўғинидаги қайта ишлаш корхонасини барпо этиш имконини беради. Натижада саноат

ривожиди ортда қолаётган туманларни иқтисодий-ижтимоий юксалишига хизмат қилади.

Бу муаммоларни ҳал этишда, президентимизнинг атрофдаги қардош мамлакатлар билан дўстона сиёсат олиб бориши, интеграциялашув жараёнини ривожлантиришга эътибор қаратиши вилоятда саноат тараққиёти учун энг катта тўсиқ бўлаётган электр энергия масаласини анча юмшатди. Фарғона водийси иқтисодиёти юксалиши учун энг катта туртки бўлган Тўрақўрғон ИЭС ишга туширилиши ҳам президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг фундаментал саноат тармоқларини ривожлантиришга нақадар катта эътибор қаратаётганлигининг яна бир исботи.

Андижон вилоятида 2020 йил якунларига кўра ЯХМ таркибида қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқчилик тармоғининг улуши 43,4 фоиз, саноатнинг улуши эса 23,7 фоизни ташкил этган [4]. Рақамлардан кўринадикки, вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш негизида саноат тармоқларини барпо этиш ҳудуддаги мавжуд иқтисодий-ижтимоий масалаларни ҳал этишда локоматив вазифасини бажаради.

Шу мақсадда вилоятда тўқимачилик ва енгил саноат тизимида кластерларни илмий асосда ташкил этиш зарур ва бунда минтақалардаги аниқ иқтисодий-ижтимоий шарт шароитлар ва кластер назариясининг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш талаб этилади. Минтақада аҳоли қадимдан пахтачилик билан шуғулланиб келган, собиқ Иттифок даврида ҳам мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, пахтачилик билан боғлиқ тармоқларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилган.

#### **1-жадвал**

#### **Андижон вилоятида пахта хом-ашёсини қайта ишлаш кўрсаткичлари (2020 йил)**

		Хом ашё базаси,	Мавжуд калава ип
--	--	-----------------	------------------

№	Шаҳар ва туманлар	минг тонна (пахта толаси)		ишлаб чиқариш қуввати	
		Вилоятда 2019 йилда етиштирилган пахта	Олинган тола, минг тонна ҳисобида	Корхона сони	Қуввати, тонна ҳисобида
1	Андижон ш.			3	12800
2	Андижон т.	13581	41,1		
3	Асака т.			1	2500
4	Бўстон т	17441	5755,5	1	5100
5	Булоқбоши т.	10092	3330,4		
6	Балиқчи т.	33538	11067,5	3	28930
7	Избоскан т.	27492	9072,4	2	25780
8	Олтинкўл т.	18741	6184,5		
9	Жалақудуқ т.	21798	7193,3	2	10200
10	Улуғнор т.	20342	6712,9	1	5100
11	Мархамат т.	16576	5470,1	2	5400
12	Хўжабод т.	5847	1929,5	1	3200
13	Шаҳрихон т.	23817	7859,6	3	7200
14	Қўрғонтепа т.	28440	9385,2	3	15400
15	Пахтабод т.	21419	7068,3	1	5000
	Вилоят бўйича	259124	85510	22	126610

**Жадвал: Андижон вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.**

Вилоят миқёсида, Андижон шаҳри ва Асака тумани катта ишлаб чиқариш қувватларига эга. Шу билан бирга, Андижон ва Олтинкўл туманларида аксинча вазият кузатилади. Маълумки, пахтани қайта ишлаш тармоқларини комбинат шаклида жойлаштириш катта самара беради.

Чунки, юкларни бир жойдан иккинчи жойга ташиш ортикча сарф ҳаражатларга сабаб бўлиб, маҳсулот таннархига ўз таъсирини кўрсатади. Шу сабаб пахтачиликда тўлиқ циклли ишлаб чиқаришга эътибор қаратилиб, натижада вилоятда 11 та пахтачилик кластери ташкил этилди. Уларнинг барчасида ип-йигирув корхоналари мавжуд. Шунингдек, энг илғор корхоналар ички ва ташқи бозор учун тайёр маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Илгари пахтачиликда асосан ялпи ҳосил хажмига эътибор қаратилиб келинган, яъни деҳқон пахтани етиштирган, уни қайта ишлаш ва тола сифати ҳақида ўйламаган. Бугунги кластер бирлашмалари эса тола сифатига катта эътибор қаратмоқда.

Илмий манбаларда иқтисодиёт кластерларига нисбатан уч хил ёндашув мавжуд:

1. Унча катта бўлмаган ҳудудда йирик корхона ёки компания атрофида жамланган хўжалик субъектлари:
2. Тадқиқотдан то заҳиралар таъминоти, савдо ва ундан кейинги хизмат кўрсатишгача тўла-тўқис қамраб олган, ишлаб чиқаришни барча босқичларини бирлаштирган, маълум маҳсулот яратишда қатнашувчи корхона ва ташкилотларнинг вертикал технологик тизимдаги жамланмаси:
3. Соҳа кластери [3].

Бугунги кунда иқтисодиёт кластер тизимини жорий этишда қуйидаги ёндашув ва омиллар ҳисобга олиш зарур:

- тизимдаги меҳнат ресурсларининг дунёқараши ва янгиликни қабул қилиши, янгича ишлашга мослаша бориши;
- бошқарув тизимини мутлақо бошқача ташкил этилганлиги, ҳар бир бўғинни ташкил этишда маҳаллий шароитларнинг инобатга олиниши;

- тез фурсатларда йирик корхоналар барпо қилиш эса уларнинг кейинги фаолиятини назорат қилишни қийинлаштиради, чунки мавжуд шароит кейин қандай бўлишини вақт кўрсатади;
- йирик тармоқларни ташкил этиш мураккаб бошқарув тизимини ташкил этишни янада қийинлаштиради, оқибатда тизимга давлатнинг керагидан ортиқ аралашувига сабаб бўлади;
- аввалига кичикроқ хўжаликларнинг фаолиятини кенгайтириш лозим, турли бўғинлар мутаносиблиги (пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш орасида мувозанат бўлиши ) керак;
- вилоят шароитида етиштирилаётган пахта хом ашёси шу ернинг ўзида тўлиқ қайта ишланишига эришиш. Дарҳақиқат пахта-кластерларини ташкил этишда унча катта бўлмаган ҳудудлар йирик корхона ёки компания атрофида жамланган хўжалик субъектларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

## 2-Жадвал

### Андижон вилоятида ташкил этилган кластерларнинг пахта экин майдонлари ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари (2020 йил ҳолатига)

№	Туманлар	Корхоналар номи	Ажратилган ер май дони, (гектар)	Ялпи ҳосил, тонна	Ҳосилдорлик, центнер
1	Андижон	"Бест текстиль Итернационал" МЧЖ,	1816	7950	$\frac{43.7}{34.5}$
2	Избоскан	"Соҳиб омад барака" МЧЖ	12568	43413	

3	Балиқчи	"Тетратекс" МЧЖ	$\frac{2012}{10309}$	$\frac{6978}{36551}$	$\frac{34.6}{35.4}$
4	Бўстон	"Сайёра фаввораси" Х/К.			$\frac{44.3}{33.9}$
5	Олтинкўл		$\frac{1058}{10504}$	$\frac{4697}{35630}$	
6	Булоқбоши	Файз М" МЧЖ	$\frac{536}{4587}$	$\frac{2036}{16391}$	$\frac{38}{35.7}$
7	Хўжаобод				
8	Жалақудук	"Алёр текс" МЧЖ	$\frac{378}{6218}$	$\frac{1798}{21181}$	$\frac{47.5}{34}$
9	Улуғнор	"Водий саноат фахри" МЧЖ	$\frac{1603}{8534}$	$\frac{4013}{21157}$	$\frac{25}{24.7}$
10	Марҳамат	"Марҳаматтекстил" МЧЖ	$\frac{1153}{4927}$	$\frac{4364}{17620}$	$\frac{37.8}{35.7}$
11	Пахтаобод	"Олтинматотекс" МЧЖ	6481	21948	33.8
12	Шаҳрихон	"Саховат текс" МЧЖ	$\frac{1515}{7132}$	$\frac{6190}{25213}$	$\frac{40.8}{35.3}$
13	Кўрғонтепа	"KHANTEX CROUP" МЧЖ	$\frac{3417}{8136}$	$\frac{12857}{29104}$	$\frac{37.6}{35.7}$

**Жадвал:** Андижон вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

**Изоҳ:** Маҳражда тумандаги пахта экин майдони, ялпи ҳосил, ҳосилдорлик.

Суратда кластерлар деҳқончилик қилган ерлар майдони, ялпи ҳосили, ҳосилдорлик.

Юқоридаги маълумотлардан кўринадики, ҳудудларда шу жойнинг шароитидан ва ўзак корхоналарнинг моддий-техник базасидан келиб чиқиб кластерларга ер майдонлари ажратилиб берилганини кўришимиз мумкин. Кўрғонтепа туманидаги "KHANTEX CROUP" МСНҲ туман пахта майдонларининг 41,9 фоиз қисмида деҳқончилик қилаётган бўлса, Марҳамат, Шаҳрихон ва Улуғнор туманидаги кластерлар мос равишда 23,4, 21,2 ва 18,7 фоиз ерларида пахта етиштирган. Кўрғонтепа

туманидаги “KHANTEX CROUP” МСНҲ вилоятимиздаги энг катта моддий-техник базага эга бўлган корхона бўлиб, ушбу кластер ҳисобига туманда ип калава 10,2 фоизга, трикотаж мато 8,5 фоизга, тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8 фоизга ортган. Корхона тўла қувват билан ишга тушганда туман экспорт салоҳияти 61 фоиздан ортиши мумкин [7]. Жалақудуқ, Бўстон ва Олтинкўл туманларида кластер корхоналари томонидан етиштирган пахта майдонларининг туман пахта экин майдонларининг мос равишда 6 ва 10 фоизига тенг бўлди. Бўстон туманида кластер 2019 йилнинг охириги чорагида ташкил этилган бўлса, Жалақудуқ туманидаги "Алёр текс" МЧЖ да бошқарув тизимининг тўғри ташкил этилмаганлиги ва моддий-техник базасининг етарли эмаслиги сабабли 2018 йилда бириктирилган 422 гектар ер майдони 378 гектарга қисқарган. Кластерга бириккан корхоналарнинг Балиқчи туманидаги "Тетратекс" МЧЖ ҳосилдорлиги паст бўлиб, бунга асосий сабаб кластер 2019 йилнинг охирида ташкил этилганлиги ва кейинги йил учун ерларга керакли ишлов бера олмаганлиги ва янгича ишлашга секин мослашганлиги билан изоҳланади. Қолган туманларда ташкил этилган кластерлар ҳосилдорлиги юқори, айниқса Жалақудуқ туманидаги "Алёр текс" МЧЖ, Бўстон ва Олтинкўл туманларидаги "Сайёра фаввораси" хусусий корхоналари мос равишда туман пахта ҳосилдорлигидан 13,5 ва 10,4 центнер юқори ҳосил олган.

Хулоса қилиб айтганда, худудлар саноат салоҳиятини кўтаришда, аҳолини иш билан таъминлашда, мавжуд иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишда пахта-тўқимачилик кластерларининг аҳамияти катта. Вилоятда пахта кластерларининг қамрови ҳали етарли эмас. Одатда ерга эгалик қилишдан кўра кластерларнинг ерга ишлов бериши, муҳими маҳсулотни шу ернинг ўзида қайта ишлаши катта иқтисодий самарадорликга олиб келади. Туманларда кластер бирлашмалари



деҳқончилик қилаётган ер майдонларини қайта ишлаш бўғинига мос ҳолда секинлик билан кўпайтириб борилиши лозим. Бунинг учун эса, минтақалардаги тупроқ, иқлим хусусиятини ўрганиш, мавжуд иқтисодий-ижтимоий шароитнинг мониторингини ташкил этиш талаб этилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида ” 2014 йил 3 июлдаги ПҚ-2200-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида” ги 397-сон қарори 22.06.2020 йил
3. Мигранян. А.А. Теоретические аспекты формирования конкурентоспособных кластеров. // Вестник КРСУ. 2002., №3. ([www.krsu.edu.kg/vestnik/2002/v3/a15.html](http://www.krsu.edu.kg/vestnik/2002/v3/a15.html).)
4. Андижон вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари. 2017-2020 йиллар
5. Андижон вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари.
6. Андижон вилояти ҳокимлиги қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотлари.
7. “KHANTEX CROUP” МЧЖ корхонаси маълумотлари.